

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК МУҲИТИДАН ХАЛҚЛАРИМИЗ МАМНУН

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 10-11 июнь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Президентимиз ташриф доирасида 11 июнь куни Душанбеда Хўжандга келди.

Олий мартабали меҳмонни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Хўжандда давлатимиз раҳбари ташрифига катта тайёргарлик қўрилган. Икки мамлакат байроқлари билан безатилган аэропорт ва кўчаларда жамоатчилик вакиллари Президентимизни катта хурсандчилик билан қаршилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан биргаликда Хўжанд шаҳри яқинидаги “Арбоб” маданият саройига ташриф буюрди. Бу ерда Сўғд вилояти жамоатчилиги вакиллари, зиёлилар, нурунийлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тожикистон пешвоси Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан икки мамлакат ўртасида ишонч ва дўстлик муҳити яратилганини таъкидлади.

— Илгари тўпланиб қолган муаммолар шундай қисқа муддатда ҳал этилишини тасаввур қилиб бўлармиди?! Бунга халқаро ташкилотлар ҳам ишонмаган эди. Бугун давлатларимиз ўртасида ҳал бўлмаган масала қолмади, ўзаро ишонч пайдо бўлди. Бундай муносабатларнинг ташаббусқори ва “архитектори” ҳурматли Шавкат Миронович Мирзиёев, — деди Эмомали Раҳмон.

Кейинги йилларда давлат чегараларида 17 та ўтказиш пункти очилгани, Тожикистон халқи бундан миннатдор экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари йилгиланларга чуқур ҳурмати билдириб, халқларимиз ўртасидаги дўстлиқни кадрлаш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш ҳақида нутқ сўзлади.

— Авваламбор Сиз азизлар, Сўғд вилояти жамоатчилиги ва фаоллари, нуруний оқсоқоллар, зиёлилар, ёшлар билан қадимий ва навқирон Хўжанд шаҳрида дийдор қўришиб турганимизда бяхтиёрман. Ҳозиргина Тожикистон раҳбари, қадрли биродарим Эмомали Шарипович таъкидлаганидек, бу кунлар тарих, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Дини, урф-одат ва қадриятлари муштарак ўзбек ва тожик халқлари асрлар давомида ён қўшни, дўст ва ҳамкор бўлиб яшаган. Шубҳасиз, бу беаҳо бойлиқни кўз қорачигимиздек

асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш мукддас бурчимиздир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида қарор топган яхши қўшничилик ва абадий дўстлик туфайли биз улкан натижаларга эришмоқдамиз. Албатта, бундай ютуқларга эришишда Сиз азизларнинг, икки мамлакат жамоатчилиги ва зиёлиларининг бекиёс ҳиссаси борлигини биз яхши биламиз ва юксак қадрайлимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Президенти ташрифининг муҳим қисми Хўжанд шаҳрида ўтгани бежиз эмас. Бу қадимий шаҳар ўзбек ва тожик халқлари учун бирдек қадрли. У асрлар давомида Буюк Ипак йўлидаги марказлардан бири бўлиб, минтақамиз маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутган.

Душманга қарши елкама-елка курашган буюк саркардалар — хо-размишох Жалолиддин Мангуберди ва Хўжанднинг шонли фарзанди Темур Малик жасорати халқларимиз хотирасида муҳрланиб қолган. Кейинчалик темурийлар, шайбонийлар ва хонлиқлар даврида ҳам Хўжанд муҳим қўрғон бўлган, ривожланган.

Бугунги кунда Хўжанд шаҳрида Ўзбек маънавияти ва маърифати маркази, маҳаллий университетда ўзбек филологияси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган илмий мактаб фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда, барча миллат ва элатлар қатори, тожик маданиятини сақлаш ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда бир миллион олти юз минг нафар тожик миллатига мансуб фуқаролар истикомат қилмоқда, уюртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар орасида таълим олимлар, тадбиркор ва фермерлар, ўқитувчи ва шифокорлар, турли даражадаги раҳбарлар бор.

Мамлакатимизда 15 та тожик миллий маданият маркази миллатлараро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда. Тожик тилида газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радио-эшитиришлар эфирга узатишмоқда. 255 та мактабда таълим тожик тилида олиб борилаётди. Бир қатор олий ўқув юртиларида шундай факультетлар ва бўлинмалар фаолият юритмоқда. Жорий йилда ушбу йўналишларга қабул ўринлари икки баробар ортади.

Мамлакатимизда кейинги йилларнинг ўзида тожик миллатига мансуб 130 фуқаро юксак давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ва Тожикистонда икки халқнинг маданияти ва санъатини ўрганишга, ўзаро бойитишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Президентининг ташрифи давомида имзоланган ҳужжатлар бунга янада кенг имконият яратди. Хусусан, Маданий-гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги битим халқларимизнинг маънавий алоқаларини мустаҳкамлаш, ёшларимизни умумий манфаатлар атрофида жипслаштиришга йўналтирилган қатор лойиҳаларни кўзда тутди.

Учрашувда дунё шиддат билан ўзгараётгани, бизнинг минтақамизда ҳам хавфсизликка янги таҳдидлар юзгага келаётгани қайд этилди.

— Биз тинчлик ва барқарорлик, дўстлик ва ҳамкорлик каби буюк неъматларни алоҳида қадрлашимиз ва мустаҳкамлашимиз, ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини тарбиялашимиз керак, — деди Ўзбекистон Президенти. — Сайё-ҳаракатларимизни бирлаштирасагина халқларимиз учун тинчлик ва хотиржалликни, келгуси авлодларга фаровон ҳаётни таъминлашдек умумий мақсадга эришишимиз мумкин. Ишончим комилки, сиз, ижодий ва илмий соҳаларнинг ҳурмати вакиллари, ўзингизнинг бой билим ва ҳаётий тажрибангиз, ташаббускорлик ва ғайратингиз билан халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшасиз.

Президентлар “Арбоб” маданият саройини кўздан кечирдилар. Ушбу мажмуа 1959 йилда барпо этилган. У тожик халқи учун тарихий аҳамиятга эга. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида бу ерда мамлакат мустақиллигига доир муҳим қарорлар қабул қилинган. Бу ерда 1992 йилда — Тожикистон тақдирини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган паллада Эмомали Раҳмон давлат раҳбари лавозимига киришган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида “Қайроққум гиламлари” корхонасини бориб кўрди.

Бу фабрика 1957 йилда ишга туширилган. 2019 йилда модернизация қилиниб, Германия, Италия, Япония, Хитой ва бошқа давлатлардан олиб келинган ускуналар ўрнатилган. Натижада маҳсулот сифати яхшилланган.

Ҳозир бу ерда йилга 3 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхона тўлиқ қувватда ишлаб бошлаша, йилга 5 миллион квадрат метр маҳсулот тайёрлаш имконига эга бўлади.

Қайроққум гиламлари Шарқ аъналарини акс эттирувчи жозибдорлиги ва нақшлари билан машҳур. Шу билан бирга, авангард услубида гиламлар тўқиш йўлга қўйилган. Юқори сифати туфайли корхона маҳсулотлари турли халқаро мукофотларга сазовор бўлган.

Ўзбекистон Президентига корхона ривожлантириш жараёни, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида сўзлаб берилди.

Навбатдаги объект томон йўл олар экан, давлат раҳбарларининг кортежи Қайроққум сув омбори ёнида тўхтади. Президентлар сув омборини кўздан кечириб, суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон Сўғд вилоятининг Бобожон Фафуров туманидаги “Вахдати миллат” боғига ташриф буюрди.

Сўғд вилояти Сирдарё бўйида жойлашган бўлиб, деҳқончилик учун жуда қулай. Бу ерда мева-сабзавотчилик ривожланган. Тожикистонда етиштириладиган жами қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг қарийб 43 фоизи Сўғд вилояти ҳиссасига тўғри келади.

“Вахдати миллат” боғи 2008 йилда ташкил этилган. Унинг майдони 700 гектар бўлиб, шундан 500 гектарда меваги дарахтлар ўтказилган. Боғ ҳудудига қарийб 300 тонна сиғимли совитиш омбори ҳам бор.

2018 йилдан бошлаб бу ерда балик етиштириш йўлга қўйилган. Бугунги кунда тўртта ҳавзада оқ амур, хумбаш ва сазан каби балик турлари қўйатирилмоқда.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Олий даражадаги учрашувлар чоғида бу борада қўллаб-қўрғатмалар имзоланган. Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи чоғида ҳам қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Президентлар боғда ташкил этилган Тожикистон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди. Мева-сабзавотларни ўзаро етказиб бериш, сақлаш ва экспорт қилиш бўйича соҳа мутасаддиларига кўрсатмалар берилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи якунланди. Хўжанд халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон кузатди.

Матназар ЭЛМУРОВА,
ЎЗА махсус мухбири,
Хўжанд — Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Эътироф

ИНТЕГРАЦИЯ ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШРИФ

Халқаро сиёсий доиралар ва кенг жамоатчилик вакиллари, экспертлар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи ҳамда икки мамлакат етакчилари иштирокида ўтказилган музокаралар натижалари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришда давом этмоқда.

Пьер Лериш, Париждаги “Ecole normale supérieure” олий мактаби профессори, Марказий Осиё бўйича эксперт:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар солномасидаги тарихий воқеадир. Мен 30 йилдан ортқ вақт мобайнида Марказий Осиё давлатларини ўрганиб келаман. Минтақа мамлакатлари бўйлаб кўп

маротаба сафарда бўлганман.

Тарихчи сифатида шуни таъкидлашим мумкинки, Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг дўстлик, яхши қўшничилик ҳамда ўзаро ҳурматга асосланган ришталари узоқ тарихга бориб тақалади. Шуниси қувонарлики, бундай сермазмун алоқалар бугунги кунгача давом этиб келмоқда ва ушбу ташриф яхши қўшничилик муносабатларининг рамзи саналади.



ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ»

Президентимизнинг Тожикистонга амалга оширган бу галги ташрифи икки давлат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали шериклиқнинг янги “ўсиш нуқталари”ни белгилаш ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича аниқ лойиҳалар илгари сурилгани ҳамда қатор келишувларга эришилгани билан мамлакатларимиз тарихидан мустаҳкам жой эгаллайдиган бўлди.

Муносабат

Бугун икки халқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар — яқин қўшничилик, биродарлик ва қардошлиқ ришталари тикланганидан халқларимиз мамнун. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Бугунги илқ му-

носабатларда, шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг хизматлари бекиёс. Шавкат Мирзиёев Президентлик ваколатига киришган дастлабки кунларданқ қўшни давлатлар, жумладан, Тожикистон билан

ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш алоҳида эътибор қаратди.

Ўтган даврда икки давлат ўртасидаги божхона ва чегара масалалари такомиллаштирилди. Ўзаро сайёҳлар алмашинуви тобора ўсиб бораётгани ҳам — эътиборли жиҳатлардан бири. Қисқача айтганда, тез муддат-

да ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги азалий яқин қардошлиқ ришталари яна тикланди.

Бундан буюбига эса ана шу риштани янада мустаҳкамлаш халқларимиз учун бирдек муҳим. Юртбошимиз ибораси билан айтганда, “Бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни ривожлантириб, катта мақсадларимизга эриша оламиз. Биз доим бир-биримизга таянч бўлишимиз, ҳар қандай қийинчилик ва синовларни елкама-елка енгиб ўтишимиз лозим”.



БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Шу кунларда юртимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда БМТ тузилмалари ваколатхоналари ҳамкорлигида “Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди!” шиори остида Барқарор ривожланиш ҳафталиги ўтказилмоқда. Ушбу нуфузли анжуман доирасида парламент палаталари кўмиталари томонидан тегишли соҳаларга доир давра суҳбатлари ҳам ташкил этилапти.

Хафталик

Мамлакатимизда гендер тенглик таъминланмоқда

Кеча бўлиб ўтган “Янги Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш” мавзусидаги давра суҳба-тида Олий Мажлис Сенати аъзолари,

Қонунчилик палатаси депутатлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари қатнашди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда хотин-қизлар сиёсий ва иқтисодий, ҳуқуқий салоҳиятини ошириш ҳамда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Халқ билан мулоқат

ҚАРОР ИЖРОСИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева сенаторлар ҳамда Жўқорги Кенгес депутатлари билан биргаликда давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини ўрганиш мақсадида мазкур ҳудудда бўлди.

Кеча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида ушбу қарор ижроси ҳамда маҳаллабай ишлаш, хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган сайёҳаракатларни ўрганиш якунларига бағишланган йилги иш ўтказилди.

Таъкидланганидек, парламент юқори палатаси ишчи гуруҳи томонидан ҳудудда маҳаллабай ишлаш, хотин-қизлар муаммоларини тизимли ҳал этиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳада олиб борилаётган ишлар танлов асосида атрофчила ўрганилди. Хусусан, Амударё, Беруний, Бўзатов, Кегейли, Тахтақўпир, Шума-

най ҳамда Эллиқалъа туманларидаги секторлар фаолияти ва маҳаллаларда олиб борилаётган юмушлар кўздан кечирилди.

Маълум бўлишича, 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижроси доирасида шу йилнинг 1 май ҳолатига кўра умумий қиймати қарийб 4 триллион 824 миллиард сўмлик 852 та лойиҳа ишга туширилиб, 5 минг 403 та иш ўрни яратилишига эришилган. Жумладан, саноат соҳасида умумий қиймати 3 триллион 860 миллиард сўмлик 225 та лойиҳа ижроси эъвазига 1 минг 981 та меҳнат жойи очилган.



«СЎЗ, ФИКР ВА АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ: ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР»



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Сўз, фикр ва ахборот эркинлиги: халқаро-ҳуқуқий асослар» номли китоб такдими бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан нашр этилган ушбу китоб Виндхук декларациясининг 30 йиллигига мўъжаз тўхфа бўлди.

“Инсон ҳуқуқлари кутубхонаси” туркумига мансуб тўплам Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида тайёрланган.

Китобга академик Акмал Саидов масъул муҳаррирлик қилган ҳамда сўзбоши ёзган. Тўзувчи ва таржимон — Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган журналист Фулом Мирзо.

Тўпламда бир қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган 48 та халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг сўз, фикр ва ахборот эркинлигига доир қондалари жамланган.

Маъмур китоб ҳуқуқшунослар, журналистлар ва шу соҳага қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Такдимот доирасида иштирокчиларга “Инсон ҳуқуқлари кутубхонаси” туркумида янги нашрдан чиққан китоблар такдим этилди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ташаббус

ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИ
МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Иқтидорли ўқувчилар таълим олаётган Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи мустақиллик йилларида тубдан янгиланди. Ўқув корпуслари, спорт иншоотлари ва бошқа зарур бинолар қурилиб, жаҳон стандартларига мос жиҳозланди. Замонавий мультимедиа ҳамда компьютер воситалари билан таъминланган кенг, шинам аудиториялар, лингафон ва лаборатория хоналари, бир миллион нусхага яқин китоблар фондига эга замонавий ахборот-ресурс маркази ёшларнинг етук билим олиши, илм-фанда юксак марраларни забт этишида муҳим омил бўлмоқда.

Академик лицейда камолга етган ўқувчилар йилдан-йилга салмоқли ютуқлари билан жамоатчиликни хайратга солиб келяпти. Кейинги ўн йил ичида халқаро фан олимпиадаларида жами 80 нафар ўқувчи совринли ўринларни забт этиб, улар кўксини олтин, кумуш ва бронза медаллари беъзди. Биргина ўтган йилнинг ўзида лицей битирувчиларининг 94 фоизи турли олий ўқув юртлири талабаси бўлди.

Ўқувчиларни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, жисмонан соғлом ҳамда баркамол этиб тарбиялаш ўқув жараёнининг узвий қисмини ташкил қилувчи билим даргоҳи жамоаси яқинда яна бир ташаббус билан майдонга чиқди. Яъни билимдонлар сафи нафақат лицейда, балки қишлоқ мактабларида ҳам кенгайдиган бўлди.

Янада аниқроқ айтсак, ўтган ўқув йилида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги мактаб битирувчиларининг 10 фоизи, Истиклол маҳалласидаги 9-умумтаълим мактаби битирувчиларининг 8 фоизи олий ўқув юртига қабул қилинган. Лицей аҳлининг мақсади — ушбу туман мактаблари билан шугулланиб, уларнинг кўрсаткичларини лицей даражасига етказишдан иборат.

Бунинг учун мактаб ўқитувчилари малакасини ошириш, уларни лицейдаги замонавий шароитларда ўқитиш, имтиҳонларда ўқувчилар билимини лицейдан келган фан докторлари, фан номзодлари томонидан текшириш, натижаларини ошқорилақ таъминий асосида ўқувчи-ларга кўрсатиш, шу тарика қишлоқ мактаблари билим даражасини юксалтириш мақсад қилиб олинган.

— Биз халқ ҳўжалиги жаҳўаларида камбағаликни қисқартириш ҳаракатида бўлсак, лицей ўқитувчилари бу ишни таълим соҳасида ойдиндан амалга оширишга, — дейди Юқори Чирчиқ тумани ҳокими Ўсканбой Атемов. — Бу ишлар марказлаштирилган 34-мактабга лицей ўқитувчиси Шойра Шойимова директорлик қилади.

Албатта, чуқур, пухта ва мукамал таълим, ҳар бир ёшнинг ўз берилган имкониятларни ишга солиш ҳаракатида бўлади.

— Ўқувчида илмга интилишни ривожлантириш кўпроқ педагогик фаолиятга, ота-оналарга боғлиқ бўлади, — дейди кимё фанлари доктори Лазиз Зайлабов. — Айни чоғда, болаларнинг ўзида астойдил иштиёқ бўлсагина, мақсадга эришиш тезлашади. Шу боис ҳар бир ўқувчида билим олишга қизиқиш, ўзига ишонч ошиб бориши учун бутун маҳоратимизни ишга сояялмиз.

Дарҳақиқат, марварид денгиз тубидаги чиганокнинг ичида яширининг шахардаги тенгдошидан кам жойи йўқ, — дейди академик лицей директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган ёшлар мурабийси, биология фанлари доктори, профессор Ортиқбой Ёшонқўлов.

— Одатда, кўп ҳолларда илгор мактаблар билан алоқа ўрнатиб, аълоли ўқувчиларни турли тадбирларга жалб қилишди. Биз, аксинча, ўзлаштириш юқори бўлмаган мактабларни оталиққа олишга аҳд қилдик. Тумандаги ҳар бир мактабда лицей вакили фаолият юрлатади.

Мактаблар вебинар алоқа билан қамраб олинади. Айтайлик, ўқитувчи лицейда туриб маъруза ўқиши мумкин, ушбу чиқиш тумандаги бир неча мактабларда қабул қилинади. Бунинг онлайн режимидадан фарқи шундаки, алоқа икки тарафдан йўлга қўйилади. Асосий эътибор математика, кимё, биология фанларига қаратилади.

— Бу янгилик нафақат мактаб ҳаётида, балки Юқори Чирчиқ туманида ҳам чин маънода янги муҳитни яратди, — дейди меҳнат факрийси, 9-мактабда 22 йил директорлик қилган Ўсмонали Ортиқов. — Насиб қилса, кўрсаткичларда бир йилдаёқ ўзгаришлар сезилади.

Албатта, ҳаётда ҳеч бир нарсасига осонгина эришиб бўлмайди. Муваффақиятлар ортида ўқувчининг интилишларидан ташқари, устозларнинг ҳам машаққатли меҳнати турли йилнинг барчамиз яхши нағмиларидир.

Ўқув йили давомида мактаб ўқувчилари ва халқаро фан олимпиадалари қилибларни ўртасида юзмаюмулукотлар ўтказилади. Уларда совриндор ўқувчилар фан сирларини ўрганиш, халқаро фан олимпиадаларида иштирокчи борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашади. Ишонимки, бу лойиҳа ёшларнинг ўз салоҳиятини намоян этиши ва юқори марраларни қўлга киритишида кенг имкониятлар яратди.

Шўҳрат ЖАББОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Долзарб мавзу

Сабази — ўзбек ошхонасидаги энг талабгир маҳсулотлардан бири. Инсон саломатлиги учун муҳим бўлган фойдали витаминларга бойлиги билан ҳам ажралиб турувчи ушбу сабзавот турининг сўнгги бир ҳафтада баҳоси кескин ошиб кетди. Бу ҳол аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Негаки, бугунги кунда сабзининг қилоси 7-7,5 минг сўмдан сотилмоқда. Боз устига, деҳқон бозорларида сабзининг “тортилиб” қолгани кузатиляпти.



Ҳеч ким зарар кўришни хоҳламайди

Дастлаб Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши масъулларининг фикри билан қизикдик. Сабази, юртимизда сабази маҳсулотининг асосий қисми томорқачилар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари томонидан етказиб берилади-да.

Кенгаш раиси ўринбосари Ҳусниддин Каримовнинг айтишича, охири 2-3 йил давомида сабази эккан деҳқонлар фойда кўриш ўрнига сурункасига зарар қўраётгани туфайли бошқа эккин турларини экишга мажбур бўлмоқда. Мана, оқибати кўзга ташланыпти — сабази нархи кўтарилга бошлади.

— Нима учун қилоси 500 сўмга тайёр бўладиган сабзининг нархи 7 минг сўмга чиқиб кетди? Бу ҳолат ҳеч кимни ўйлантирмаётганга ўхшайди, — дейди Ҳусниддин Каримов. — Деҳқонлар етиштирган сабзини саклаш учун совиткич пулини ҳам чиқара олмайдиган даражага тушиб қолишган.

Бундан ташқари, уруғлик ва маҳсулот етиштириш харажатлари ортиб кетгани ҳам сабази нархи қимматлашишига олиб келмоқда. Шу каби омиллар таъсирида сабази экиладиган майдонлар тобора қисқараяпти.

Сабзавотнинг ушбу тури баҳосига коронавирус пандемияси таъсири бўлгани ҳам бор

Хўш, охириги йилларда, чиндан ҳам, сабази кўп етиштирилдими? Келтириляётган бу вай қанчалик асосли?

Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотларда келтирилишича, охириги пайтда сабази етиштириш ҳажми йил сайин ошиб бораган. Айтайлик, 2017 йилда республика бўйича 2 миллион 249 минг 733 тонна, 2018 йилда 2 миллион 185 минг 113 тонна, 2019 йилда 2 миллион 768 минг 613 тонна, 2020 йилда 2 миллион 876 минг 33 тонна сабази етиштирилган.

Бироқ кўриб тураганингиздек, орадаги тафовут у қадар катта эмас. Ўтган йили 2017 йилдагига нисбатан 626 минг 300 тонна кўп ҳосил етиштирилган, ҳоло.

Кечки ҳосил ҳадиғи

Дарҳақиқат, кечки сабази уруғи ёшнинг энг иссиқ пайти, яъни июннинг охири июль ойининг бошларида сепилади. Шунинг учун сабази майсалари кўқариб чиққунча “уруғ суви” берилади. Яъни уруғ сепилгандан кейин 2 — 3 кунгача марзаннинг тепаси қорайқунча сув қўйилади. Орадан 2 — 3 кун ўтган, яна сув таралади. Бошқача айтганда, сабази уч-тўрт марта суғорилгандан сўнггина майсалари ёппасига кўринади. Шу ҳисобда сабази ҳосили сизот суви чуқур ерларда 11-12, сизот суви юза жойларда 6 — 8 марта суғорилган, пишиб етилади. Бу тупроқ шароитига қараб гектарига 550 — 600 м³ сув талаб қилинади, деганидир.

Деҳқонлар ҳавотирида асос борлигини Марказий банк эълон қилган инфляцияни оширувчи ва пасайтирувчи омиллар таҳлили ҳам тасдиқляётгандек, гўё. Унда айти-

Кам нарсанинг қадри баланд бўлади

Қишлоқ ҳўжалиги ҳодимларининг тушунтиришича, сабази нархидаги ҳозирги ўзгаришлардан ортиқча ваҳимага берилиш ўринсиз. Сабзавот баҳосининг қимматлашишига мавсум ўртасидаги ўзгаришлар ҳам таъсир қилляпти.

Кўп йиллик кузатувларга қараганда, эски ҳосил туғаб, янги ҳосил чиққунга қадар мева-сабзавотлар нархи шу зайлда ўзгариб туриши табиий ҳол саналади. Қолаверса, юртимизда сабази асосий эккин сифатида нисбатан кам майдонларга экилади. Асосан, тақрорий эккин сифатида жойлаштирилади.

Қишлоқ ҳўжалиги вазириги мутахассисларининг тасдиқлашича, 2021 йил ҳосили учун фермер ва қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари томонидан асосий майдонларга жами 24,6 минг гектар, бог-тоқ қатор ораларига 8,1 минг гектар сабази экилган.

Бундан ташқари, ғалладан бўшаган 31,5 минг гектар майдонларга тақрорий эккин сифатида сабази етиштириш белгиланган. Ушбу майдонлардан эса жами 1 миллион 418 минг тонна сабази ҳосили олиниши кутилмоқда.

Демак, прогнозларга қўра, бу йил сабази ўтган йилдагига нисбатан қарийб 50 фоиз кам етиштирилади. Таги кам маҳсулотнинг баҳоси юқори бўлиши эса исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

лишича, жорий йил бошидан бери кузатиляётган ўзгарувчан об-ҳаво шароитлари (дала ҳамда яйловларда сув ресурсларининг камлиги) қорва озуқаси нархларига ва тақрорий сабзавот эккинларини экиш жараёнига таъсир кўрсатиб, гўшт маҳсулотлари ҳамда сабзавотлар нархларига оширувчи босим кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун мақолага ҳулоса қисмаймиз ва Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтиришни жоиз деб билдик: “Бозордаги нарх-навои барқарор ушлаб туриш, бу — тадбиркорларни мажбурлаш, уларга маҳсулотини паст нархларда соттириш, дегани эмас. Биринчи ғалда, тадбиркорларга бозорда тақлифни қўйайтириш учун шароит яратиб бериш керак”.

Мавзуга эса ҳали яна қайтамыз.

Сайд РАҲМОНОВ.

Ҳамкорлик

45 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

Европа тикланиш ва тараққийёт банки (ЕТБ)нинг биринчи вице-президенти Юрген Ригтерик бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳамда Европа тикланиш ва тараққийёт банки ўртасида битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. У ЕТБнинг “Яшил иқтисодиёт”ни молиялаштириш механизми” (“Green Economy Financing Facility”) ҳамда “Таваққалчиликларни тақсимлаш механизми” (“Risk Sharing Facility”) дастурлари доирасида амалга оширилди.



“Green Economy Financing Facility” (GEFF) дастури бўйича, ЕТБ ҳусусий қарз олувчиларни қайта молиялаштириш учун ҳамкор банкларга кредит маблағларни тақдим этмоқда. Ушбу маблағлар ЕТБнинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш, “иссиқхона газлари” чиқишини қисқартириш ва энергия самарадорлигини оширишга оид глобал стратегиясига мувофиқ иқлимга таъсирни камайтирувчи лойиҳаларга йўналтирилади.

Хусусан, “Ўзсаноатқурилишбанк” миқозлари томонидан “яшил банкинг” мезонлари асосида бажариляётган лойиҳалар учун ЕТБ томонидан 25 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдорда кредит линиясини жалб қилиш бўйича қилишувга эришилди. Айни чоғда, банк олдиға қўйилган вазифаларни сифатли бажариш мақсадида GEFF дастури доирасида “яшил иқтисодиёт” йўналишидаги сифатли лойиҳаларни муваффақиятли молиялаштириш ва энг мақбул ечимларни таъминлашда “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳодимларига техник қўмак кўрсатиш учун маҳаллий ҳамда чет эллик экспертларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг 2019 — 2030 йиллар даврида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясини тасдиқланган. Ҳужжатга мувофиқ, инновацион “яшил лойиҳа” ва инвестициялар, хусусан, “яшил иқтисодиёт”га босқичма-босқич ўтишни кўзда тутувчи лойиҳаларни молиялаштиришда ҳусусий секторнинг фаоллашувини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон банк тизими вакилларини “яшил инвестиция”ларни жалб қилиш борасида рағбатлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилган.

Қайд этиш лозимки, молиявий қўмакнинг Халқаро молия корпорацияси ҳамда ЕТБ иштирокидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш жараёнида ўзига ҳос янги импульсга эга бўлган ушбу кўришни “Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида анча йил аввал Жаҳон банки ҳамкорлигида жорий этилган эди. Бугунги кунга қадар банк томонидан умумий қиймати 91 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 20 та “яшил лойиҳа” молиялаштирилди.

лар доирасини кенгайтиради, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорларнинг молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятини янада оширади.

“Risk Sharing Facility” (RSF) дастурининг мақсади эса мамлакатда ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектларининг молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятини яхшилашдан иборатдир. Дастур доирасида ЕТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг ҳар бир тақдим этган миқозлар лойиҳалари билан боғлиқ бўлган рискни паритет принципи (биргаликда молиялаштириш ёки қасолат бериш орқали) асосида 7 йил муддатга ўз зиммасига олишга тайёр. Бунда ЕТБнинг дастурдаги мақсимал иштирок миқдори 20 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Кредитлаш шартлари “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ЕТБ билан қилишылган ҳолда аниқланади. Кредитларни бошқариш ҳамда мониторингини олиб бориш “Ўзсаноатқурилишбанк” таҳлилчиларининг саъй-ҳаракатлари орқали амалга оширилади. Кредитлаш “Таваққалчиликларни тақсимлаш механизми” дастури қўмағида АҚШ доллари ва еврода тақдим этилади. Шунингдек, миллий валютада кредит беришнинг потенциал имкониятларини назарда тутди.

Банкнинг RSF дастуридаги иштироки лойиҳавий молиялаштириш жараёнида рискларни тақсимлаш ҳисобиға иқтисодий капиталдан самарали фойдаланиш ва юксак инвестицион рейтингга эга бўлган халқаро молиявий муассаса томонидан ЕТБнинг кредит гаровларини қабул қилиш, “Ўзсаноатқурилишбанк” мутахассисларининг кредит тақлифларини шакллантириш, молиявий анализ (таҳлил) ҳамда моделлаш, шунингдек, лойиҳаларни мониторинг қилишда рискларни баҳолаш бўйича қўнмаларини ошириш имконини беради.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 648. 24 969 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклар олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёғмазар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртова томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.20 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6